

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 24 июль, № 146 (4556)

Пайшанба

ТАШРИФ НИХОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан 21 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг сафари ниҳоясига етди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 23 июль куни Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни кузатиб қўйди.

Кувайт Давлати Амирининг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди. Ушбу ташриф, авваламбор, икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалаларни, ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконияти яратди. Ислам Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистон — Кувайт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган

халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, ўнга яқин ҳужжат имзоланди. Ҳазаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаган ушбу келишувлар икки мамлакат ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

(ЎзА).

ВАШИНГТОНДА «ЁШЛАР ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг қатор олий ўқув юртлири, шунингдек, «Ёш етакчилар парламент кенгаши» (Congressional youth leadership council) дастури доирасида бу ерга келган Европа ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари талабаларининг бир гуруҳи иштирок этди.

1985 йилда ташкил этилган ушбу ташкилот АҚШ Конгресси кўмагида фаолият юритиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги истеъдодли ёшларни саралаб олади ва уларнинг таълим олишига кўмаклашади. Кенгаш ҳар йили ёш йигит ва қизлар учун АҚШ ҳамда Европа мамлакатлари ҳудудида бир ойлик «етақчилликни ривожлантириш» дастуруларини ташкил этади.

Брифинг давомида иштирокчилар Ўзбекистондаги мактаб таълимини ривожлантириш умумийлини давлат дастури, олий таълим тизими, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар билан танишди.

Талабаларга, шунингдек, юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати ҳусусида батафсил сўзлаб берилди. Иштирокчилар ушбу мавзуларга бағишланган ҳуж-

жатли фильмларни катта қизиқиб билан томоша қилдилар. Ўзбек халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган ажойиб миллий буюмлар ўрин олган элчихонанинг этнография галереяси уларда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Ёшлар, шунингдек, ўзбекистонлик тасвирий санъат усталарининг асарлари коллекцияси билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбир якунида «Ёш етакчилар парламент кенгаши» дастури мувофиқлаштирувчиси Уитни Хикман готда фойдали ва сервизоман учрашув учун талабалар номидан самимий миннатдорлик изҳор этди. Унинг фикрича, тадбир иштирокчиларга Ўзбекистоннинг кўна тарихи, боёқли-маданий салоҳияти ҳамда мамлакатнинг бугунги ютуқлари, ўзбек халқининг ноёб маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

«Жаҳон» АА.
Вашингтон

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН – ЮРТ КЎРКИ

**Мустақиллик
– бизнинг
борлигимиз,
шону
шухратимиз,
эркин ва фаровон
келажагимиз
гаровидир**

Ана шу истиқлол, амалга оширилган илҳом ислохотлар тўғрисида барча соҳаларда бўлгани каби мебель ва ёғочни қайта ишлаш тизимида ҳам аҳвол тамоман ўзгача қиёфа касб этди. Бунинг халқимизнинг яқин ўтмиш ва ҳозирги дориламон кунлардаги ҳаётини тийрак кўз билан қиёслашган ва ҳолис фикр юритган инсонгина чуқур ҳис этади. Аслини олганда, мамлакатимизда инсон ва унинг манфаати, турмушининг обод ва фаровонлиги давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан биридир ва бу борада жуда кенг қўламадаги амалий ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 июлда бўлиб ўтган жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, эндиликда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларга тўғрелик ўтилди. Шубҳасиз, белгиланган вазифаларни амалга ошириш, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юк-



салтиришга, халқимиз турмуш-фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади. Бугун мебель, ёғочни қайта ишлаш ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Файз» холдинг компанияси нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки хорижий турдош корхоналари ўртасида ҳам катта нуфузга эга. Бу иззат-обур осмондан тушган эмас, албатта. Давлатимиз томонидан кўрсатилган ҳамқўрлик,

яратилган имтиёз ва берилган эътибор ютуқларимизнинг асосий омил бўлмоқда. Сўзимнинг тасдиғи учун айтишим мумкин, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорни ис-теъмол товарлари билан тўлдиршни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабат-

(Давоми 2-бетда).

ГАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» шу йилнинг 21 июлдаги Фармони мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги қатори мени ҳам беҳад қувонтирди.

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг шарафли ўн етти йиллигини шодиёналар билан байрам қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони ана шу улуг ва азиз байрамимиз олдида юртимиз фуқароларига ўзига хос муносибо тўғрисида бўлди, десам, янглишмайман. Ахир ушбу Фармон воситасида халқимизнинг барча қатламлари даро-

мадига янада даромад кўшилипти. Бу эса уларнинг ҳаёти янада тўқ-фаровон бўлишига ҳисса қўшади.

Республикаимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил яхшилаб, фуқароларга ижтимоий маддадни қулайтириб бориш — мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишидир. Мана шун-

дай сиёсат тўғрисида мустақилликнинг ўтган йилларида иқтисодий ислохотлар жараёнида ҳеч бири-

Дил сўзи миз бирон мушкуллик ёки муҳтожликка дуч келмадик. Президентимиз жорий этган қучли ижтимоий сиёсат амалда экан, бундай қийинчиликлар ҳеч қачон бошимизга тушмайди ҳам.

Мен Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 30-умумтаълим мактабидан узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишладим. Мана, 10 йилдан ошдики, пенсионерман. Оладиган пенсиям миқдори эса биргина кейинги 2-3 йил ичида бир неча марта оширилди. Худого шукр, фарзандларим, невараларим бор. Ўзига тўқ-бутун оиладанман. Менинг пенсия даромадим эса болаларим топганига қўшимча бўлиб, катта рўзгоримизга ўзига яраша файз-ба-

рака бағишляптики, бундан жуда мамнунман. Шукр қилайлик, халқимизни кеча-қундуз ўйлайдиган, инсон қадрини ва унинг манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи Юртбошимиз бор. Инсонпарвар давлат ва жамият фуқаросимиз. Тинчлик, омонлик ва маъмуриликда яшашимиз. Ҳар бир кунимиз улкан гамхўрлик ва эъозда ўтаётганлигидан миннатдоримиз.

Майнахон ЮНУСОВА,
пенсионер.
Кўкөн шаҳри.

Анжуман

Юртимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 215 миңдан ошди. Уларда 1,6 миллион киши меҳнат қилмоқда. Етиштирилаётган пахта, галла ва мевасабзавотнинг даярлик ҳаҷми ас-деҳон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

ФЕРМЕРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Ер эгалари қарийб тўққиз миң қишлоқ хўжалик техникаси ва уч миңдан ортиқ мевасабзавот, дон, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялардан фойдаланмоқда.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида фермер хўжаликларида ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бағишланган ўтказилган кўргазмали семинарда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси А. Арпиевнинг айтишича, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўрсатилган доимий эътибор ва ҳамқўрлик фермер хўжалигида ишлаётганлар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топтомоқда. Фермер хўжаликларида ишловчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими шакллантирилди. Ишчиларнинг ҳар бирига меҳнат дарфарҳис, пенсия гувоҳномаси бериш, уларга таътил кунлари белгилаш, икки йшгача бўлган бола тарбияси билан банд аёлларга нафақа тўлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари ҳамкорлигида Юқори Чирчиқ туманининг «Зулайхо Илхом» фермер хўжалигида ташкил этилган маъмур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисини маъмур комиссия раиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров олиб борди.

Комиссиянинг биринчи йиғилиши

Ушбу комиссия жорий йилнинг 17 апрелида қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тузилган эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ҳудудий идораларо комиссияларнинг одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни, шунингдек, жиноятларнинг бу турига қарши курашиш ҳақида аҳолини хабардор қилиш каби вазифалар Идораларо комиссиянинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Мажлисда одам савдоси бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб қолаётгани, миграция жараёнларининг қучайиши оқибатида унинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани, бу трансмиллий жинсий фаолият турига қарши курашиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли органлар ва ташкилотларнинг бутун қучини бirlаштириш ва ҳамкорликни янада кенгайтириш

(Давоми 2-бетда).

Шаҳрихонлик тадбиркор Тоҳиржон Аҳмедов «Шаҳрихонтуз» масъулияти чекланган жамияти қошида «Олтин водий» ош тузи корхонасини ташкил этди.

Шаҳрихонда яна бир корхона

Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнгрот шаҳридаги ҳамкорлар билан шартнома асосида туз келтириб, қадоқлашни йўлга қўйди. Ҳар иккита янги иш ўрни яратилди.

Иодланган, аъло сифатли ош тузидан кунинга етти-саккиз тоннаси истеъмол бозорига чиқарилаётди.

О. ШОДМОНЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хом ашёси ҳам ўзимизники

Шаҳарнинг саноат ҳудудида керамика гишт ишлаб чиқарадиган корхона ишга туширилди.

Айни пайтда бир кеча-қундузда 40 миң донна юқори сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Бу хайрли ишни ёш тадбиркор, «Омад-Бизнес-Зарафшон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари У. Файзиёв амалга оширди.

Маҳсулот учун ишлаб чиқариладиган хом ашё сув ўтказмайдиган, мустаҳкам гил тулқандан иборат бўлиб, у ҳудуддаги Қизилқудук барханларидан олиномоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, коннинг захираси юз йилдан зиёдага етар экан.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сув таъминоти яхшиланди

Муборак — чўл бағрида барпо этилган газлиқ сув таъминоти корхона жамоаси қисқа вақт ичида Яқабоб тумани ҳудудидаги сув кудуқларини ва қувурлар тизимини ишга шай қилди. Ҳозир бир кеча-қундузда шаҳарга 20 миң кубометр сув ҳайдалмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁШ ОИЛАЛАРГА — ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ



2008 йилнинг ўтган олти ойида ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва уларни реконструкция қилиш мақсадлари учун ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари 17,1 миллиард сўмни ташкил этди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида ана шундай юқори натижалар қўлга киритилган.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖАҲОН 24 соат ичида

Энг арзон ноутбук

"Impulse" (Хитой) компанияси дунёдаги энг арзон ноутбук (қўл компьютер)ларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, дея хабар беради "Engadget" интернет сайти.

128 мегабайтли хотирага эга бўлган мазкур ноутбук ўзининг бир қанча қулайликлари билан мутахассислар эътиборига тушди. Уни сотиб олмақчи бўлганлар 130 доллардан воз кечишса, киёф.

Хозирча шундай ноутбукдан 50 дана ишлаб чиқарилган. Компания улар фақат буюртма асосида етказиб берилишини маълум қилди.

Маҳачқалъада zilzila

Маҳачқалъа (Россия) шаҳрида рихтер шкаласи бўйича 3 баллга тенг zilzila юз берди.

Сейсмология маркази бошлиғи Наталья Пономореванинг маълумоти беришича, чоршанба кўни эрталаб соат 7:15 да тўққуз марта ер силкиниши кайд этилган. Зилзила маркази шаҳардан 24 километр узоқда кузатилган ва унинг кучланиши 10,7 баллга тенг бўлган.

Маҳаллий маъмурлар табиий офат келтирган талафотлар ҳақида ҳеч қандай маълумот беришмаган.

«Honda»нинг янги русуми

Лондон шаҳрида ташкил этилган автомобиллар кўргазмасида "Honda" компаниясининг замонавий типдаги "Honda OSM" янги русуми намойиш этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, янги машина экологик жиҳатдан бошқа русумдаги автоуловлардан бир қатор устуликларга эга. Унинг ҳавони ифлослантириш кўрсаткичи жуда паст. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар машинанинг иккисодий жиҳатдан тежамкорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратишган.

"Honda" вакилининг гапларига кўра, ҳозирча бу русумдаги машинанинг кўргазма учун намуна варианты ишлаб чиқарилган, холос.

Етакчи қўлга олинди

Покистон хавфсизлик кучлари "Талибон" ҳаракати етакчиларидан бири — Мулла Раҳимни мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Кветта шаҳрида қўлга туширишга муваффақ бўлди, дея хабар беради "Reuters" ахборот агентлиги.

Хавфсизлик хизмати вакилларининг таъкидлашича, "Талибон" ҳаракатининг Покистон ҳудудда амалга оширилган кўпуровчилик ишлари унинг кўрсаткичи асосида ташкил этилган.

Хозирча бу воқеа юзасидан "Талибон"чилар томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмаган.

«Долли» хавф солмоқда

Бир неча кундан бундан Мексикани жунбушга келтириб турган «Долли» тропик бурони йўналиши АҚШ ҳудуди томон ўзгариши мумкин, дея хабар беради "Reuters" ахборот агентлиги.

"Долли" Мексиканинг курорт шаҳарларидан ҳисобланган Канкунга жиддий зарар етказгани айтилмоқда. Аммо маҳаллий ҳукумат вакиллари курорт ва талафотлар ҳақида хабар бермаган.

Юкатан ярим ороллари бўйлаб соатига 85 километр тезликда ҳаракатланаётган бурон эндиликда Американинг Техас штатига хавф солмоқда.

Пикассо сурати топилди

Бразилия полицияси Пабло Пикассонинг Сан-Пауло шаҳридаги музейдан ўғирлаб кетилган гравюра (тош, металл ёки ёсочга қўлдан ўйиб солинган ва бошмақсизда босилган суратларидан бирини топилган муваффақ бўлган. "Reuters"нинг хабар беришича, ўғирликда гумон қилинган Уэсли Теобальдо Баррос ва унинг уч нафар шериги ҳибсга олинган.

Бундан ташқари, Пикассонинг яна бир гравюраси ҳамда Эмилиано Ду Кавальканти ва Лазаря Сегалнинг ўғирлаб кетилган суратлари тақдирини номалълумлигича қолмоқда. Сан-Пауло галереяси мулкчи бўлган бу санъат асарларининг умумий баҳоси 630 минг АҚШ долларига тенглиги маълум қилинган.

Қулфбузарлар хибсда

Италияда йирик жиноий гуруҳ қўлга олинди. Мазкур тўда сейфлар ва банкوماتларни бузиб, ўз жиноий ишларини амалга ошириб келаётганди.

Хуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг сўзларига кўра, мазкур гуруҳ аъзоларига, ҳатто, энг замонавий русумдаги банкوماتларни бузиш, сейфларни очиб, сингаллашларини ўчириш, қулфларни бузиш каби юмушлар чўт эмас экан.

"ИТАР-ТАСС" хабарига келирилишича, жиноий гуруҳ икки йил давомида Италияда 1000 дан ортиқ қулфбузарликларни содир этган. Қизиги, улар жиноий ишларининг аксариятини мамлакат шимоли ва Сардинияда амалга оширишган.

Маълумотларда келирилишича, тўда вакиллари ёнида қўйиб шохобчаси сейфдаги нақд пулларни ўғирлашга бор-йўғи 145 сония вақт сарфлар экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Оиламиз аъзолари дастурхон атрофида жамланган пайтлар дадам «Сизларнинг бахтингиз ҳам, иқболингиз ҳам баланд», дея гурурланиб қўядилар. Яна «Қанийди, мўъжиза рўй берсаю ёшлигим қайтса, сизлардай қошонамонанд биноларда ўқисам», деб ҳавас қиладилар. Биз билим олаётган муҳташам ўқув биноларида барча шарт-шароит мўъжайё қилинганлиги, коллежни битиргач, тайёр мутахассис бўлиб шаклланаётганимиз ҳақида бот-бот гапириб, бизнинг давримизда бундай эмас эди, дейдилар.

ИҚБОЛИ БАЛАНД АВЛОДМИЗ

— Билим юртида ўқиганим бор, деб айтардингиз-ку, дада? — сўрайман қизиксиниб.

— Тўғри, техникумда ўқиганман. Механизатор бўламан, деган ниятда роса уч йил Чувамка қишлоғидаги билим юртига қатнадим. Мураббийимизнинг топиб олгани шартли кетиб парти қолган носоз трактор эди. Шу боис, руль қани, деса гилдиракни кўрсатадиган аллозда ўқишни тамомлаганмиз, болаларим. Кейинчалик бошқа касбнинг этагидан тортиқлашга мажбур бўлганим сабаби шу-да...

Бу сўзларни тингларканман, ўзим таълим олаётган коллеж, у ердаги шарт-шароит, ўқув даргоҳини битириб чиқаётган тенгдошларимнинг билими, дунёқараши, касбга бўлган қизиқиши кўз олдимдан ўтади.

Чиндан ҳам, Андижон шаҳрининг марказида жойлашган ўқув даргоҳимиз мукамал таъмирдан чиқарилгач, замонавийлик, кўркамлик касб этди. Фан хоналари компьютерлар, га ҳунар ўргатиш курси ҳам очилган. DACUM деб номланувчи ушбу таълим услуги касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашимизда кенг амалиёт чоғида қўл келадиган илғор технологиялар билан жиҳозланди. Коллеж, бундан ташқари, Германия халқаро алоқа-корликда катта ёшдагилар қўлланилаётти.

Бу йил коллежни 198 нафар ўқувчи муваффақиятли тамомлади. Элдор Нодиров, Жаҳрамон Йўлдошев, Қасурбек Ҳабибуллаев, Муроджон



Ифтихор

аввало, Чорбақр деган ном ҳақида. Қадимий Сунитан қишлоғида қўлаб олим фузалолар ишлаб ўтишган. Шайх ва олим Имом Абу Бакр Саъд ва унинг уч биродари бажаргон эзгу амаллар ҳаққи-ҳурмати бу ер Чорбақр деб аталади.

ЧОРБАҚРДА ПОРЛАГАН ЧИРОҚ

Жўйбор шайхлари номи билан боғлиқ Чорбақр асрлар оша меҳр-оқибат, эътиқод, маърифат машъали вазифасини ўтаб келган. Зеро, Имом Абу Бакр Саъд ва унинг ёр-биродарлари амалга оширган ишлар, одамларга кўрсатган саховат қишилар ўртасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган.

— Чорбақр мусулмон дунёсидаги мўътабар қадамжолардан бири саналади, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Бухоро вилояти вакили Гофуржон Раззоқов. — Президентимиз Бухорода бўлган вақтида Чорбақрни зиёрат қилиб, шу фикрни алоҳида таъкидлагандилар. Юртбошимизнинг зиёратгоҳ тарихини ўрганиш, ундан барчани, айниқса, ёшларни хабардор этиш ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалари бу йўналишдаги ишларга қўшқанот бўлмоқда.

Эътиборлиси, Жўйбор шайхлари қишлоқларда ариқлар қаздириб, деҳқончилик ривожига катта хисса қўйишган. Илму маърифат тарқатувчиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам улғувор ишларни амалга оширган-эмас. Чунончи, 1559 йилда Абдуллахон II томонидан бу ерда хонақоҳ, масжид ва мадрасадан иборат қатор иншоотлар этса, келажак авлод мазкур табарруқ зотлар ва муборак масканлар тўғрисида фақатгина китоблардан ўқиб билишлари мумкин эди. Шуқри, юртимиз мустақил бўлди. Шу туйғайли Чорбақр қадамжоси йиллар тўзонада тўзиб кетиш хавфидан омон қолди.

Хозир зиёратгоҳда бўлган киши кўнгида ажиб бир осойиш, руҳий тегиллик туяди. Дугога қўл очиб, вужуди енгил тартади. Аслида, буларнинг бари ота-боболаримизнинг руҳи шод этилганидан, Чорбақрда ёнган чироқ тоабд ўмаслигидан ишонча...

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўк сумканинг сири

«Самарқанд — Москва» авиарейсига чиқаётган фуқароларнинг қўнун доирасида ҳаракатланган фуқароларнинг назорат қилаётган аэропорт божхона пости ва вилоят миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг эътиборини юқлар орасидаги кўк рангли сумка тортиди. Текшириб қўрилгандан ў Самарқанд туманида яшовчи Шўхратжон Қамарова тегишли эканлиги, сумка ичида божхона баённомасида кўрсатилмаган, жами қиймати 10013000 сўмлик тўрт турдаги тилла буюмлар, 21 донна тилла танга ҳамда икки турдаги қумуш буюмлар борлиги аниқланди.

Қаранги, фуқаро Ш. Қамаров шунча миқдордаги қимматбах буюмларни гаприқоний равишда мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетмоқчи экан. Энди у ноқонуний қилимиши учун қўнун олдида жавоб беради.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОЛ ҚИЛНАДИ

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

232-10-63

242-хона

E-mail: xalk_suzi@rambler.ru

«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.

Web: www.powerglob.com

e-mail: info@powerglob.com

Жумабоев сингари дўстарим "Андижонқурилишмонтаж", "Андижон енгил таксилар саройи" очик акциядорлик жамияти ҳамда фермер хўжалиқларига ишга жойлашишди. Улар автокран, юк машиналари, енгил автомобилари бошқариш, техниканинг бирор ери ишдан чиқса, бинойидек тузатишни пухта ўзлаштиришган. Ўзим эса Андижон шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасига ишга кирдим...

Мамлакатимизда биз, ёшларнинг ўқиб илм олишимиз, ҳунар ўрганишимиз, пухта билимли мутахассис бўлиб етишишимиз учун барча имкониятлар яратиб берилган. Бу, албатта, Президентимизнинг бизларга жамими яхшиликларни илганликларини шарофатидандир. Юртбошимиз ҳамма болалар меннинг фарзандим, дея бизга меҳр билан боққанлариде руҳланиб кетаман. Ёшларга катта ишонч билдириб, ёруғ келажак сари дадил одимлашга ундаган бу самимий меҳрини садоқат билан, фидойилик билан оқлаш, шу азиз Ватанга муносиб бўлмоқликни ўзимнинг чин фарзандлик бурчим, деб биламан.

Жавлонбек КАРИМОВ, Андижон уй-жой ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси.

УМУМАРМИЯ ҚЎШИҚ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги марказий офицерлар саройида «Мардлар қўриқлайди Ватани» мавзюида умумармия қўшиқ фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анъанавий қўшиқ танловида ҳарбий қисм ва округларда ўтказилган дастлабки босқичларда гўлиб бўлган ҳарбий санъаткорлар ўзлари тайёрлаган саф қўшиқлари, профессионал ижрочилик ва эстрада йўналишлари бўйича маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Улар ижросида ёшларни Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга, ҳарбий қасамёда содиқликка ундовчи ва она-юртни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

Саф қўшиғи йўналиши бўйича кичик сержант Ботир Низомов хизмат қилаётган ҳарбий қисм хор жамоаси «Шаҳдам қадам» қўшиғи билан гўлиб чиқди. Профессионал ижрочиликда кичик сержант Тахтарбай Сапарбаевнинг «Эл билан» қўшиғи энг юқори ўринга лойиқ топилди. Эстрада йўналишида биринчи ўринни кичик сержант Фозилжон Тўрабоев «Найлайин» қўшиғи билан қўлга киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда таниқли эстрада хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

Рассомнинг шахсий кўргазмаси

Нукусдаги Республика санъат музейида таниқли рассом ва кулол Ибройим Жўлимбетовнинг шахсий кўргазмаси намойиш этилди.

Санъат

Иқтидорли рассом, керамика санъатида ҳам ажойиб буюмлар яратган ва ҳайкалтарошлик билан мунтазам шуғулланиб келаётган

И. Жўлимбетов асарларида она-Ватан табиати, ўлканинг таниқли сиймолари, меҳнат-севар инсонлар ҳаёти ёрқин ифода этилган мутахассис ва иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Хитой Тараққиёт банки ва Корея Эксимбанкнинг кредит йўналишларини жалб этган ҳолда, шу мамлакатларнинг замонавий технологиялари ва ускуналарини сотиб олиш учун кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

Хитой Тараққиёт банкининг кредит йўналиши:

- банк томонидан импорт контрактларини молиялаш — 100 минг АҚШ долларидан 1 млн. АҚШ долларигача (импорт контракти қийматининг 85% гача);
- кредит-муддати — 9 йилгача, жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр;
- ўзига тегишли маблағлар иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25% ҳисобида.

Корея Эксимбанкнинг кредит йўналиши:

- банк томонидан импорт контрактларини молиялаш — индивидуал асосда (импорт контракти қийматининг 85%гача);
- кредит-муддати — 2 йилдан 5 йилгача;
- ўзига тегишли маблағлар иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25% ҳисобида.

МИЛЛИЙ БАНК — БИЗНЕСИНГИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН СИЗ БИЛАН БИРГА!

Қўшимча маълумот олиш учун 235-38-52, 235-17-02 рақамли телефонлар орқали Кичик бизнес бош бошқармасига ёки Миллий банкнинг исталган бўлими/филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

www.nbu.com

«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

ЎЗБЕКНЕФТАЗКАЗИБЧИҚАРИШ АҚЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги кимёвий реагентлар ва ускуналарни сотиб олиш юзасидан 03/08-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот № 1 Пеларгоник кислота — 122 тонна.

Лот № 2 Диэтанолламин — 99 тонна.

Лот № 3 Циркуляция насоси — 1 тўплам

Тендер муддати эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб — 30 кун. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан қўргони.

Тел.: (998 75) 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

«INTEGRAL ASIA»

17" мониторли Р4 компьютерлари

Пул ўтказиш йўли билан сотилади ва кредитлар.

«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс 120-30-27.

Товар сертификатланган e-mail: sale@onlineuz.net www.integral-asia.com

ООО «Росагропромснаб» предлагаёт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адреса: Ташкент, Чиланзар, квл.6, д.2 (Орр-метр «М.Улугбек») Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

Спорт Sport Спорт

Халқаро спорт тури сифатида тан олинганга яқинда ўн йил тўладиган миллий қадриятимиз — кураш дунё бўйлаб мамлакатимиз ва миллатимиз номини улуглаб келмоқда.

САМИМИЙ УЧРАШУВ

Ўтган ўн йил давомида курашнинг ҳаёнда оммавийлигини янада ошириш, уни нуфузли мусобақалар дастурига киритиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда юздан ортқ давлатларда кураш федерациялари фаолият кўрсатаётгани амалга оширилаётган эзу ишлар самарасидир.

Кеча пойтахтимиздаги Кураш халқаро ассоциацияси қароргоҳида Хитой, Хиндистон, Япония, Жанубий Корея, Индонезия ва Вьетнам давлатларининг мамлакатимиздаги факултода ва мўстот элчилари билан КХА раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Дастлаб миллий спортимиз — курашнинг дунё-

даги ривожини ҳаёнда меҳмонларга маълумот берилди. Ёш полковларнинг кўргазмали чиқишлари, кураш тарихи ва бугунги бағишланган ҳужжатли фильм таъбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. — Кураш билан шуғулланувчилар бизнинг мамлакатимизда ҳам кўпчилиги ташкил этади, — дейди Хиндистоннинг Ўзбекистондаги факултода ва мўстот элчиси Сканд Ранжан Тайал. — Хиндистон кураш федерацияси ҳам бир неча йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келяпти. Бугунги учрашувдан курашга оид яна кўплаб маълумотлар олдим. Менга курашга бағишланган ҳужжатли фильм ҳам маълум бўлди.

Мария Шарапова энг бой теннисчи

«The Forbes» журнали дунёдаги энг бой аёл спортчилар рўйхатини эълон қилди.

Унга кўра, россиялик теннисчи Мария Шарапова биринчи ўриндан жой олди. Шарапованинг бир йиллик даромади 26 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Рейтингинг иккинчи ва учинчи ўринларини америкалик олимпик теннисчиси Серена ва Винус Уильямслар эгаллади. Улар бир йил давомида 14 ва 13 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ топишган.

Муҳим беллашувлар олтидан

Ўзбекистон терма жамоаси 2010 йили футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи босқич саралаш учрашувларига йўлланма олганлигидан хабарингиз бор.

Йигитларимиз ушбу саралаш учрашувларида муваффақиятли иштирок этишни мақсад қилиб қўйишган. Осиё футбол конфедерацияси махсус сайтидан олинган хабарда айтилишича, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жорий йилнинг 20 август кўни сафарда Эрон футболчиларига қарши ўртоқ-

лик учрашувиде майдонга тушди. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўртинчи босқич илк саралаш учрашувини жорий йилнинг 6 сентябрь кўни сафарда Катар футболчиларига қарши ўтказди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

«Бодомзор» — мусобақа голиби

«Шўртангазкимё» мажмуининг қарши шаҳридаги спорт-соғломлаштириш марказида пляж футбол буйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Эркаклар жамоалари баҳсида Ташкентнинг «Бодомзор»ига тенг келадигани топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Қашқадарё виллоятининг «Косон» ва «МВМ» жамоаларига nasib этди.

Аёллар ўртасидаги мусобақаларда қўтилгандек Қаршининг «Севин» жамоаси аъзолари устунлик қилишди. Финалда «Севин»га ютқазиб қўйган Бухоронинг «Ёшлик» жамоаси қумуш медалга сазовор бўлди. Самарқанднинг «Шердор» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ «МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ (Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизда) техникаларни ва махсус техникаларни тақлиф этади.

«О'zbekMAZservice» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас. «МАЗ» ва «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ. Манзил: 100005, Ташкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ХУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ

Маҳалла оқсоқоли деганда, ярим асрдан кўпроқ ҳаёт йўлини босиб ўтган кишиларни тасавур қилишга ўрганиб қолганмиз. Бирок, улар орасида ўзи ёш бўлса-да, кўпчиликка қойиллатиб бошчилик қилаётган навқирон йигитлар ҳам учраб туради. Масалан, Наманган шаҳридаги «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Топшўлатов ўттиз беш ёшга кирди. Уни бу вазифага сайлашганида эндигина йигирма олти йили йигит эди. Тажриба кўрсатдики, гап фақат ёшда эмас экан.

Худудда саккиз мингдан зиёд фуқаро истикомат қилади. Турфа характерга эга бўлган бу одамларнинг бошини қовуштириб, маҳаллани ҳар жиҳатдан тўқис гўшага айлантириш учун ёш оқсоқолга анчагина меҳнат қилишга тўғри келди. Бировни ака, бошқасини ука деди, ёши улугларнинг маслаҳатини олишдан зерикмади. Ёш-яланларга таянгани эса янаям яхши бўлди, ахир, улардан катта куч борми?.. Бу, айниқса, маҳалла гузарини тиклашда шундоққина кўзга ташланди.

— Бу жойда ўзингизга иш жойи бўладиган устакхона, дўкончалар, бўш вақтингизда шуғулланиш учун спорт зали, оталарга шинам чойхона бўлади, — дея бўлажак иншоот қиёфасини тас-

дан кўнглимиз тўқ, — дейди О. Топшўлатов. — Бойси, маҳалламиз чинакам хунармандлар маскани, ҳар беш хонадондан учтасида чеварчилик, иккитасида дурадгорлик билан шуғулланишди. Фарзандларини ҳам суяги қотар-қотмас ёнларига тортишди. Отаси, акаси ёки кўшнисининг қабатига кириб, ўзига пойабзал тиккан ёки рўзгор учун асқотадиган ёғоч буюмни қўлдан чиркаган болакайнинг меҳнати махсуслидан қувонган паллани қузатинг, кўзлари чакнайди.

Маъруфжон Ёқуббоев дурустгина бешиқсоз. Ясаган бешиқларини бозорга ҳам қолдирмай уйдан олиб кетишди. Маҳалла болаларидан 10-15 нафари доим унинг ёнида, бир-икки йиллик сабоқдан сўнг устанинг фотиҳасини олиб, мустақил ишлашга тушишди. Маъмуржон Мўминовнинг қўли гул. Ундан

Самарқандда «Ёшлар йили»

ХАВАСКОР ИЖРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда барча шаҳар ҳамда туманлардан келган хаваскор йигит-қизлар мусиқа, эстрада қўшиқчилиги, рақс, суҳандонлик ва фольклор санъати йўналишларида беллашдилар.

«Санъат мумтоз ва оғзада қўшиқчилиги, рақс, суҳандонлик ва фольклор санъати йўналишларида беллашдилар. — Ортимизда санъатсевар истеъдодли ёшлар кўпчилиги ташкил этади, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи Зокир Тиллаев. — Танловнинг асосий мақсади улар орасидан ҳақиқий истеъдод эгаларини кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат. Танловнинг дастлабки босқичларида 500 нафардан зиёд хаваскор қатнашиб, олти йўналиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Яқини босқичда барча йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, танлов ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғ. ХАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

2008 йил Ёшлар йили

Данғара туманининг Тўрттайғил қишлоғида яшовчи Дилшоджон Йўлчиевнинг оиласида қувончли воқеа рўй берди. Оила қувончи

Таътил мазмунли ўтмоқда

Қашқадарё вилотида жорий мавсумда 19 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда.

Оромгоҳларда дам олаётган ёшларнинг вақтларини янада мазмунли ўтказиш мақсадида маданият ва спорт кўнрали ташкил этилди. Таъбир давомида болалар ташкилотчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, цирк томошалари, халқ ўйинлари ва санъаткорларнинг чиқишларидан баҳраманд бўлишди ҳамда спорт мусобақаларида бахslashишди.

Ф. ЖУМАЕВА.

Яхши хабарлар

Данғара туманининг Тўрттайғил қишлоғида яшовчи Дилшоджон Йўлчиевнинг оиласида қувончли воқеа рўй берди.


Оила қувончи

Унинг турмуш йўлдоши Саиджон бир йўла уч нафар фарзанд кўрди. — Чақалоқларни парваришлаш учун алоҳида тиббиёт ҳамшираси бириктирилиб, қишлоқ врачлик пунктдан шифокор ажратилди, — дейди туман шифохонаси туғуруқ бўлими мудури Одинаҳон Хатамқуллова.

А. ҚОДИРОВ, Данғара тумани.

ҲАМ ЗИРАВОР, ҲАМ ДОРИВОР

Қариқиз — шифобахш ўсимлик. Ундан билиб фойдаланилса, кўпдан-кўп хосиятлари намойиш бўлади. Бу гиёҳ боғларда, йўл ёқаларида, ҳовлиларда учрайди. Кўпроқ Ташкент ва Фарғона водийсида ўсади, икки йиллик, мураккаб гулларлар оиласига мансубдир.



Пояси қиррали, туқли, қисми шохланган. Барглари жуда йирик, тана узунлиги ярим метр. Меваси — учмали пекта. Баҳордан кўқара бориб, ёз ойларида гуллабди, сентябрдан меваси пишиб етилади. Табобатда илдизи, барги, гуллари ишлатилади. Илмий тиббиётда эса кўпроқ илдизи қўлланилади. Таркибида инулин, эфир мойи, органик кислоталар, фитостерин, ёғсимон ва ошловчи моддалар, шиллик ва аччиқ моддалар, қатрон мавжуд.

Билиб қўйган яхши

Халқ табобатида гиёҳ меъда яраси, сунрукали гастрит, буйрак — тош хасталиғида, бодни даволашда ишлатилади. Шу билан бирга, пешоб ҳайдовчи, терлатувчи, оғрик қолдирувчи хусусиятларига эга. Қариқиз дориворлари ҳарорат туширувчи, ел ҳайдовчи, тана шилганда, шамоллашда шифодир. Қувватбахш сифатида, иштаҳа очиш, таом ҳазмини яхшилаш, ўн икки бармоқли ичак яраси, подагра хасталиклариде қўлланилади. Турли тери касалликларида (гуш, хуснбузар, учук, чипқон), қандли диабетда наф беради. Гиёҳ барги ўт (сафро)ни ҳайдайди. Баргидан тайёрланган дамлама тери куйганда, яраларда тавсия этилади. Бодом ёки зайтун мойи билан қариқиз илдиздан тайёрланган мой соч ўстириш учун суртилиди. Барги ва илдизини майдалаб, сариққа қўшилган ҳам сочни мустаҳкамлайди. Соч қўйилишининг олдини олиш учун куйидаги қайнатма яхши наф беради: 20 гр қариқиз илдизи, 10 гр тирноқул (календула) гуллари бир литр сувга солинади, 15 дақиқа мобайнида қайнатилади, сўнгра доқада сузилди. Уй эфир мойи, органик кислоталар, фитостерин, ёғсимон ва ошловчи моддалар, шиллик ва аччиқ моддалар, қатрон мавжуд. Халқ табобатида гиёҳ меъда яраси, сунрукали гастрит, буйрак — тош хасталиғида, бодни даволашда ишлатилади. Шу билан бирга, пешоб ҳайдовчи, терлатувчи, оғрик қолдирувчи хусусиятларига эга. Қариқиз дориворлари ҳарорат туширувчи, ел ҳайдовчи, тана шилганда, шамоллашда шифодир. Қувватбахш сифатида, иштаҳа очиш, таом ҳазмини яхшилаш, ўн икки бармоқли ичак яраси, подагра хасталиклариде қўлланилади. Турли тери касалликларида (гуш, хуснбузар, учук, чипқон), қандли диабетда наф беради. Гиёҳ барги ўт (сафро)ни ҳайдайди. Баргидан тайёрланган дамлама тери куйганда, яраларда тавсия этилади. Бодом ёки зайтун мойи билан қариқиз илдиздан тайёрланган мой соч ўстириш учун суртилиди. Барги ва илдизини майдалаб, сариққа қўшилган ҳам сочни мустаҳкамлайди. Соч қўйилишининг олдини олиш учун куйидаги қайнатма яхши наф беради: 20 гр қариқиз илдизи, 10 гр тирноқул (календула) гуллари бир литр сувга солинади, 15 дақиқа мобайнида қайнатилади, сўнгра доқада сузилди. Уй эфир мойи, органик кислоталар, фитостерин, ёғсимон ва ошловчи моддалар, шиллик ва аччиқ моддалар, қатрон мавжуд. Халқ табобатида гиёҳ меъда яраси, сунрукали гастрит, буйрак — тош хасталиғида, бодни даволашда ишлатилади. Шу билан бирга, пешоб ҳайдовчи, терлатувчи, оғрик қолдирувчи хусусиятларига эга. Қариқиз дориворлари ҳарорат туширувчи, ел ҳайдовчи, тана шилганда, шамоллашда шифодир. Қувватбахш сифатида, иштаҳа очиш, таом ҳазмини яхшилаш, ўн икки бармоқли ичак яраси, подагра хасталиклариде қўлланилади. Турли тери касалликларида (гуш, хуснбузар, учук, чипқон), қандли диабетда наф беради. Гиёҳ барги ўт (сафро)ни ҳайдайди. Баргидан тайёрланган дамлама тери куйганда, яраларда тавсия этилади. Бодом ёки зайтун мойи билан қариқиз илдиздан тайёрланган мой соч ўстириш учун суртилиди. Барги ва илдизини майдалаб, сариққа қўшилган ҳам сочни мустаҳкамлайди. Соч қўйилишининг олдини олиш учун куйидаги қайнатма яхши наф беради: 20 гр қариқиз илдизи, 10 гр тирноқул (календула) гуллари бир литр сувга солинади, 15 дақиқа мобайнида қайнатилади, сўнгра доқада сузилди. Уй эфир мойи, органик кислоталар, фитостерин, ёғсимон ва ошловчи моддалар, шиллик ва аччиқ моддалар, қатрон мавжуд.

SMS-пакетлар қулай нархларда «SMS-пакетлар» хизмати

SMS-пакетлардан бирини танланг ва уни ўз телефонингизда активлаштиринг:

Table with 4 columns: SMS-пакет, Пакетдаги SMSлар сони, Пакет нархи, Ҳизматни активлаштириш учун USSD-номиналда. Rows include «SMS 60», «SMS 150», «SMS 250».

- Эслатма: • Ҳизматни SMS-пакетлардан активлаштирилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида фойдаланиш мумкин. • Бир рақамга бир вақтининг ўзида инвестицияга «SMS-пакет»ларни улаш мумкин. • Ҳар бир пакетни активлаштиришда абонент хисобидан ҳақ олинмади. • Халқаро чивуви SMS-хабарлар ва кенгит-провайдерлар хизматларига булган SMS-сўровлар учун белгиланган тарифлар бўйича нархланади. • «SMS-пакетлар»даги хабарларни Ўзбекистондаги барча мобил операторлар абонентларига юбориш мумкин.

МТС алоқа оператори. 119-0000, 119-8383, 155-0955. Ташкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955 Ташкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жоносов. Навбатчи — Қ. Хидиров. Мухассиҳ — Х. Топшўжаев.